

# ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА  
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ  
ОРГАНИ

● 2003 йил, 20 февраль, пайшанба № 23 (1755).  
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.  
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ  
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 20 февраля, 2003 г. № 23 (1755).  
Газета издается с 24 июня 1992 г.  
● В розницу — цена свободная.

«...ХАЛҚИМИЗНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ, САРҲАДЛАРИМИЗ ДАХЛСИЗЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ БУЛМИШ АРМИЯМИЗ ҲАР ЖИҲАТДАН ҚУДРАТЛИ, ҚУРОЛ-ЯРОФ ВА ҲАРБИЙ МАҲОРАТ БОРАСИДА ХЕЧ КИМДАН КАМ БУЛМАСЛИГИ ЛОЗИМ».

Ислом ҚАРИМОВнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» китобидан.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИНИНГ

## Қ А Р О Р И

2003 ЙИЛ 17 ФЕВРАЛЬ

2002 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЯҚУНЛАРИ ҲАМДА 2003 ЙИЛДА  
ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ  
ЙУНАЛИШЛАРИ ТУҒРИСИДА

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2003 йилда иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш, чуқурлаштириш, иқтисодий тармоқлар ва мутаносиб ўстиришни таъминлаш йўли изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилди. Натижада:

кўп укладли иқтисодиёт фаол шакллантирилмоқда, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтириш, хусусий сектор улдини кўпайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди;

ялли ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 104,2 фоизни, sanoatda 108,5 фоизни, қишлоқ хўжалигида 106,1 фоизни, чакана товар айланмаси 101,7 фоизни ва аҳолига пуллик хизматлари кўрсатиш 108,3 фоизни ташкил қилди. Аҳолининг ўртача йиллик бошига даромадлари 12,6 фоизга ўсди. Ташқи савдода 276,4 миллион АҚШ доллари миқдорига икбий сальдога эришилди;

қатъий пул-кредит сиёсати ўтказилиши ҳисобига инфляциянинг ўртача ойлик ўсиш суръати 1,6 фоиз даражасига камайди, пул массасининг ўсиш суръатлари пайсиди, давлат бюджети ялли ички маҳсулотга нисбатан 0,8 фоиз миқдорига тақчиллик билан ижро этилди;

иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқларига инвестиция жалб этиш сиёсати изчиллик билан ўтказилмоқда, юқори технологияларга асосланган ва рақобатбардорлиқ маҳсулот чиқарувчи ишлаб чиқаришларини туширилди;

иқтисодий почор, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, таркибий ўзгариш ва тугатиш чора-тадбирлари таъминланмоқда. 304 корхона зарар кўриб ишлаб ҳолатидан чиқарилди, 154 корхона бўйича турли банкотлик тартиботлари амалга оширилди;

давлат ва назорат органларининг корхоналарнинг хў-

жалик фаолиятига аралашishi камаймоқда;

корхоналарнинг биржадан ташқари валюта бозорига кириб бориши анча эркинлаштирилди, юридик шахслар учун хорижий валютани конвертациялаш ва сотиб олиш тартиби бирмунча соддалаштирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада ислохотлар йўлида тўсиқ бўлаётган ҳал қилинмаган масалалар ва муаммолар мавжудлигича қолмоқда.

Иқтисодиётнинг кўпгина тармоқлари ва соҳаларида — қишлоқ хўжалигида, капитал қурилишда, коммунал хизмат кўрсатишда ва умуман иқтисодиётда иқтисодий ислохотлар пала-партишлик билан амалга оширилмоқда, ҳали маънавий яқунга етказилмаган, бу эса амалда қўрилаётган чора-тадбирлар самарасини пайсиз қилмоқда.

Хусусийлаштириш кўп ҳолларда расмийлик билан амалга оширилмоқда. Корпоратив бошқаруш принциплари янада яқинлаштирилди. Уюшма ва компаниялар корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ҳамон аралашмоқда, турлича тартибга солиш ишларини давом эттирилмоқда.

Кўпгина корхоналар бозор шароитларига ва талабларига нўхоятда сўзлашмоқда. Паст сифатли, талаб қилмаган маҳсулотлар ишлаб чиқариш давом этмоқда, бир қанча тармоқларда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналар улуди юқориликча қолмоқда.

Ички бозорни сифатли, энг аввало, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари билан тўлдириш нўхоятда қониқарсиз таъминланмоқда, улгуржи ва чакана савдо тизими сўз ташкил этилган, товарларнинг республика бозорларига ноқонуний, контрабанда йўли билан кириб келиши ҳолларига барҳам берилмаган.

2. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ви-

лоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари мињақаларда, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида иқтисодий ислохотлар яқунларини таққидий кўриб чиқсинлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Қаримов маърузасида қўйилган вазифаларни рўйга чиқариш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Қаримов маърузасида баён қилинган талаблардан келиб чиққан ҳолда қўйиладиган ҳал этилиши учун 2003 йилда саъй-ҳаракатлар ва ресурслар жамланадиган, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги пала-партишликни тугатиш ва, биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг ролини кучайтириш;

хусусийлаштиришда расмийчиликдан реал хусусийлаштиришга ўтиш, хусусийлаштирилган корхоналарнинг устив сармоясига давлатнинг улдини тўдан қисқартириш, бошқарувнинг корпоратив тизимини мустақамлаш, акциялаштирилган жамиятнинг бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш, хўжалик бирлашмаларининг корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашинини тугатиш;

қишлоқда бозор муносабатларини чуқур жорий этиш, бозор хусусиятига эга бўлган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг эркинлигини чекламайдиган принципал жиҳатдан янги баҳолаш мезонларига ўтиш, қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини тўдан қайта кўриб чиқиш; иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ўсишини таъминлаш, қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, инфляция (Давоми 2-бетда).

## Музей билан танишув

19 февраль куни мамлакатимиз Президенти Ислом Қаримов пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейини бориб кўрди.

Мазкур музей 1992 йили ҳукуматимизнинг қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, мамлакатимизнинг йирик илмий-тадқиқот, маданий-маърифий муассаларидан биридир.

Умумий сатҳи қарийб икки минг квадрат метрни эгаллаган ва беш мингга яқин нўб экспонат жамланган ушбу музей Ўзбекистон халқининг энг қадимги даврларидан бугунги кунигача бўлган улкан тарихдан ҳикоя қилади.

Музей билан танишар экан, Президентимиз залларнинг жиҳозланиши, экспонатларнинг жойлаштирилиши юзасидан ўз мулоҳазаларини баён қилди. Таклиф-

ларини айтди. Бу ердаги ҳужжат ва ашёлар нафақат мутахассислар, балки кенг жамоатчилик қизиқиб томоша қиладиган, ўрғанадиган ҳамда жаҳон ақли тарихимизни эътироф этадиган даражада мукамал бўлиши зарурлигига эътиборни қаратди.

— Музей — халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутсан, у шу халқнинг фарзандлари — келажак авлод қалбида фахриятхор туйғусини уйғота олиши керак. — деди Ислом Қаримов. — Бизнинг вазифамиз эса буюк тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўлалигича етказиб беришдан иборат.

Давлатимиз раҳбари музейнинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолди.

(ЎЗА).

## ● МУНОСАБАТ

### БУЮК САНАЛАРДАН БИРИ

Яқинда Самарқандга, ўзим туғилиб ўсган қишлоқда меҳмон бўлиб бордим. Қаринош-уруғлар, ҳамқишлоқларим билан дийдорлашиб, мириқиб суҳбатлашдим. Шундай суҳбатларнинг бирида ҳамқишлоғим, кекса отахон, саксонни қоралаб қолган Абдулла бобо Жўраев фахр билан ҳикоя қилиб қолди:

— Уғлим, биз 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини қишлоғимизда катта тантана қилдик. Эрталабдан барча фарзандларим, ўзинг яхши билсан, ҳозир уларнинг ҳаммаси оилали, алоҳида-алоҳида туришади, бола-чақалари билан совга-салом кўтаришиб, мен билан кампиримни табриклагани келишибди, де. Мен-ку кўявер, момонгни хурсанд бўлганини айтмайсанми?!

Биз чолу кампир шунча ёшга кириб, мустақилликдан илгари 23 февралда биров бизни табриклаганини эслай олмайман. Табриклагани кўявер-у, ўзи биз шу кунни байрам қилармик-йўқми? Қара, сира эсимда йўқ.

Бобонинг бу сўзларини тинглар эканман, ҳарбий бўлганлигим учун ҳам беҳад хурсанд бўлдим. Қаранг, Ватан ҳимоячилари кунни байрам завқи мамлакатимиздаги чекка қишлоқдаги кишилар қалбини ҳам забт этапти. Аслида, Ватаннинг ҳар бир фуқароси Ватан ҳимоячидир. У эркакми, аёлми, кексами, ёшми фарқи йўқ. Демак, Ватан ҳимоячилари кунни барчамизнинг байрамимиз,

умумхалқ байрамидир.

Президентимиз Ислом Қаримов ўзининг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» китобидан шундай ёзади: «Иллар ўтади, замонлар ўтади, аммо, ҳеч шубҳасиз, миллий армиямизни ташкил этвш билан боғлиқ жараёнлар мустақил Ўзбекистонимиз солномасида, янги тарихимиз саҳифаларида ўчмас ҳарфлар билан ёзилган буюк воқеалардан бири бўлиб қолади».

Юртбошимиз яна шунини таъкидлайдиларки, «биз 14 январь санасини фақат ҳарбий хизматчилар эмас, айни вақтда армия сафларида ўз бурчини ўтаб қайтган ватандошларимиз ва эртага хизматга борадиган мингмиглаб навқирон фарзандларимизнинг қутлуг байрами деб қабул қилишимиз, уни энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллик байрами синағи юксак даражада нишонлашимиз лозим».

Демак, Мустақиллик сўзидан кейин армия, Ватан ҳимоячиси деган сўзлар келпти. Бу бежизга эмас, албатта.

Мустақиллик ишончли, кафолатли ҳимоя қилиниши керак. Бу ишончли, бу кафолатли миллий армиямиз бевади. Миллий армиямиз сафларида садоқатли фарзандларимиз хизмат қилишпти. Армиянинг байрами — халқнинг байрамидир!

Майор  
Абдураззоқ ОБРЎЕВ,  
«Ватанпарвар» муҳбири.

## ДУНЕ ПОЛВОНЛАРИ ЯНА ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

Шу йилнинг 2—4 март кунлари «Ўзбекистон» спорт мажмуида эркин ва юнон-рум кураши бўйича Гран-при туркумига кирувчи «Мустақиллик кубоғи» анъанавий халқаро турнири ўтказилади. Олтинчи маротаба ўткази-

лаётган ушбу мусобақада АҚШ, Россия, Жанубий Корея, Германия, Япония, Қатар, Австрия каби ўн етти мамлакатдан келган икки юзга яқин спортчи гиламга чиқади. Таъкидлаш лозимки, ўзбе-

кистонлик спортчилар учун келаси йили Афинада бўладиган Олимпиадада иштирок этиш учун имкон қадар кўпроқ йўлланмаларни қўлга киритиш талаб этилади.

3. ТОШХҲАЕВ,  
ЎЗА муҳбири.

(Давоми. Бошқ 1-бетда).

ция даражасини кескин қисқартириш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

солиқ-бюджет соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш, давлат хароҷатларини сарфлаш механизмни мақбуллаштирган ҳолда уларни қисқартириш;

республика ҳудудига истеъмол товарлари ноқонуний, контрабанда йўли билан олиб келинишига йўл қўймаслик, товарларни республикада ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва шу асосда ички истеъмол бозори тўлдирилишини таъминлаш, савдони ташкил этиш тизимини такомиллаштириш;

валюта бозорини янада эркинлаштириш, жорий операциялар бўйича миллий валютанинг эркин конвертацияланишини таъминлаш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишни давом эттириш, ишчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, касб маҳоратини ўстиришни рағбатлантириш бўйича яхлит тизимни яратиш;

қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий вочор табақаларини аниқ тарзда қўллаб-қувватлаш, еоғлом авлодин тарбиялаш, «Обод маҳалла йили» ва бошқа дастурларни рўйбга чиқариш асосида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлигини ва аниқ тарзда қўллаб-қувватлашини кучайтириш.

4. Давлат мулки қўмитаси (Асқаров), бошқаруving тармоқ органлари раҳбарларининг эътибори хусусийлаштиришдан кейинги даврда корхоналар фаолияти, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлиги устидан зарур назоратнинг мавжуд эмаслигига, корхоналарни акциялаштириш жараёнларига инвесторларни жалб этиш, акцияларида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларида давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларни ташлаш ишларининг сустигига қаратилсин.

Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия (Азимов), Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон Фармони талабларини амалга ошириш юзасидан комплекс амалий чора-тадбирлар кўрилишини;

хусусийлаштирилган корхоналар, акцияларида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари, ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг ишончли вакиллари фаолияти устидан 2003 йилнинг биринчи чорагида мониторинг тизими жорий этилишини;

қимматли қозғалар билан битишувлар фақат уюшган фонд бозорига тузилишини, савдоларнинг ошқоралиги ва қўлайлигини назарда тутган ҳолда қимматли қозғалар икниламчи бозорини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласинлар.

Амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида 2003 йил 1 ярим йилнинг якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

5. Адлия вазирлиги Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда икни ҳафта мuddатда Вазирлар Маҳкамасига акцияларнинг давлатга

BAZIRLAR MAHKAMASI MAJLISINING

Q A R O R I

2003 YIL 17 FEBRAL

2002 YILDA RESPUBLIKANI IJTIMOIY-IQTISODIY RIVOJLANTIRISH YAKUNLARI HAMDA 2003 YILDA ISLOXOTLARNI CHUQURLASHTIRISHNING ASOSIY IYUNALIHLARI TUGRISIDA

тегишли пакетларини хўжалик бирлашмаларининг ишончли бошқарувига бериш амалиётини бекор қилувчи, ишончли бошқарувчиларни тайинлаш тартибни ва уларнинг масъулиятини аниқ тартибга солувчи, хусусийлаштирилган корхонани корпоратив бошқариш механизминини аниқ регламентловчи қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий вочор корхоналар, ишлари қўмитаси (Саидова):

Олий хўжалик суди (Абдусаломов) билан биргаликда Иқтисодий вочор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш ҳамда таркибий ўзгартириш бўйича қабул қилинган дастурни сўзсиз бажариш, иқтисодиётнинг реал секторларида молиявий аҳволни соғомлаштириш ишларини фаолаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги ҳошимият органлари балансига бериш ва тасдиқланган таркибий ўзгартириш дастурига эга бўлган корхоналарнинг фойдаланилмаётган қувватларини консервация қилиш, шунингдек зарар кўриб ишлаётган хусусийлаштирилган корхоналар мол-мулкни баҳолаш механизминини такомиллаштириш юзасидан бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига Хукумат қарори лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳисобга олган ҳолда, бир ой мuddатда шартномалар тузилиши ва аниқ субъектлар — қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва қишлоққа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида мажбурий талларга риод этилиши ҳолати устидан пухта текшириб борувчи аниқ механизм барпо этилишини, уларнинг бажарилиши учун масъулият оширилишини назарда тутган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан амалдаги намунавий шартномаларга ўзгартиришлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари барча даражаларда шартномаларнинг сифати ва тузилган шартномаларнинг мажбурий бажарилиши устидан назоратни кучайтирсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мавсум оралигидаги даврда агротехника ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга доир илгор тажрибани ўрганиш учун фермерларни хорижий мамлакатларга юборишни амалда кенг қўлласин.

9. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига пар-

рандачиликни ривожлантириш янада жадаллаштириш юзасидан Хукумат қарори лойиҳасини киритсин, тармоқ корхоналарининг ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштирилишини, озуқа базасини мустаҳкамлашни ва маҳсулот етиштириш ҳажминини кўпайтиришни назарда тутсин.

10. Молия вазир М. Нурмуродов бошчилигидаги махсус комиссия жорий йилнинг 15 апрелигача қурилиш қиймати ўсишига таъсир кўрсатувчи омилларни чуқур ўрганиб чиқсин, ўтказилаётган танлов савдолари натижаларини, қурилиш материалларини ва асбоб-ускуналарини харид қилишнинг шаклланган тизимини танқидий баҳолашни ҳамда ушбу масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

11. «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Тоҳтаев), «Энурлишматериаллари» акциядорлик компанияси (Акрамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тендер савдолари расмийлик билан ўтказилишини баргараф этишда, пудрат ишлари бозорини яратишда, нархларни шакллантириш тизимида, ассортиментни янгилашда, маҳсулотнинг импортнинг ўрнини босувчи турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ижобий силжишларнинг мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (К. Тўлаганов) бир ой мuddатда капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволини тубдан ўзгартириш юзасидан Хукумат қарори лойиҳасини киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2003—2005 йилларда қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурининг мўлжалланган параметрларини танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда айниқса газ ва сув қувурлари тармоқлари билан таъминланганлик даражаси паст минтақаларда уларни ишга туширишни жадаллаштириш юзасидан реал молиявий манбалар билан таъминланган қўшимча чора-тадбирлар кўрсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Экономхизмат» агентлиги 1991 йилгача қурилган кўп квартиралли уйлари мукамал таъмирлаш бўйича йўл қўйилган қоқоқликни тўлдирини ҳисобга олган ҳолда 2003 йил учун тасдиқланган жадвалнинг, уй-жой фондини табиий газ ва сувни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш бўйича топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари республикага истеъмол товарларининг ноқонуний, контрабанда йўли билан олиб келинишининг олдини олиш масалалари бўйича Давлат божхона қўмитаси бўлиmlари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтирсинлар.

15. Вазирлар Маҳкамаси жорий йилнинг биринчи ярим

йиллик якунлари бўйича улгуржи ва чакана савдони тартибга солишга, республика ҳудудига улгуржи базалар, дуконлар, умумий оққатланиш ва маший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини ривожлантиришга қаратилган қабул қилинган Хукумат қарорлари бажарилишини кўриб чиқсин ҳамда зарурат бўлганда тегишли тузатишлар киритсин.

16. Қўйидагиларнинг:

«Кўмир» акциядорлик бирлашмаси (Клименко), «Махсусқотишма» республика ташкилоти (Шарипов), «Узмасаноат» уюшмаси (Набиев), «Ўзкимёсаноат» (Ҳасанов), «Ўзбекнефтгаз» (Мажитов), «Ўзбекнефтгаз» (Исмонлов) компаниялари раҳбарларининг эътибори — корхоналарининг экспорт салоҳиятини ривожлантиришда ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг йўқлигига, экспортга маҳсулот етказиб бериш прогноз ҳажмлари таъминланмаганлигига;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси (Тангибергенов), Анджион (Обидов), Бухоро (Хусенов), Наманган (Жабборов), Самарқанд (Мирзиёев), Тошкент (Мирзақулов), Фарғона (Отабоев) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (Шоабдурахмонов) ҳошимларини эътибори — коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш, қарзларни камайитириш ишларининг етарли эмаслигига қаратилсин.

Кўрилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги иш якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

17. Икни ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир У. Султонов бошчилигида республикада кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг яхлит тизимини барпо этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этилсин. Ушбу комиссия таркибига ўз ҳодимлари малакасини оширишдан бевосита манфаатдор бўлган уюшмалар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, бошқа хўжалик бирлашмалари ва корхоналарнинг, шунингдек кадрлар малакасини ошириш ва уларни ўқитиш жараёнини ташкил этишни таъминлаш мумини бўлган ташкилотларнинг вакиллари киритилсин.

Комиссия:

икни ой мuddатда кадрлар, энг аввало ишчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоғини барпо этиш ва унинг самарали ишлаши юзасидан аниқ дастурни ишлаб чиқсин;

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига Ўзбекистонда ҳозир бўлган йирик хорижий компанияларни ҳамда бошқа хорижий шериқларни, шунингдек халқаро молиявий тузилмаларнинг грантлари ва техник ёрдамни жалб этиш юзасидан фаол иш олиб борсин.

Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2003 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ахборот берилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Дав-

лат тест маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари республика комиссияси ва минтақавий комиссиялар тузсинлар ва икни ой мuddатда:

махсус ишлаб чиқилган тест дастурлари асосида халқ таълими вилоят бошқармалари, туман ва шаҳар бўлиmlари ҳодимларини аттестациядан ўтказсинлар ҳамда аттестация натижаларига кўра уларнинг профессионал таркиби кучайтирилишини ва контракт асосида янги меҳнат шартномалари тузилишини таъминласинлар;

умумтаълим мактаблари ўқитувчилари таълим ва касо даражасининг ўқитувчиларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлигини, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари ва касб тайёргарлигини оширишлари учун шарт-шароитлар ва рағбатлар мавжудлигини ўрганиб чиқсинлар. Ўрганиш натижаларига кўра ҳар бир мактаб, туман ва минтақа бўйича вужудга келган аҳволни яхшилаш юзасидан тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

педагог кадрларнинг асосий фаолияти, қайта тайёргарликдан ва малака оширишдан ўтиши натижаларига кўра уларга тоифалар бериш механизми бўйича таклифлар киритсинлар.

19. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси (Кароматов), Ахборот-таҳлил бошқармаси (Хўжаев), «Узтелерадио» компанияси (Кўчимов), Матбуот ва ахборот агентлиги (Шоғуломов) мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш жараёнидаги оммавий ахборот воситаларида ҳолисона, малакали ва чуқур ёрйтиш мақсадида:

ушбу ишга вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳошимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва етакчи мутахассисларини, фан ҳодимларини ва жамоатчилик вакиллари кенг жалб этсинлар; ижтимоий-иқтисодий муаммоларга иктисослашаётган журналистлар учун мунтазам равишда семинарлар ташкил этсинлар, уларни тегишли статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар билан таъминласинлар.

20. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Бегалиев), «Узагромашсервис» уюшмаси (Нишонов), «Ўзқишлоқ-хўжаликмаш-холдинг» компанияси (Матчонов) 2003 йил 15 мартгача баҳорги дала ишларини ўтказиш учун зарур бўлган барча қишлоқ хўжалиги техникаси, 1 майгача эса — галла ўрим-йигим комбайнлари ва чорва озуқаси йиғиштириш техникаси тайёрлаб қўйилишини таъминласинлар.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги экиш мавсуми бошлангунга қадар коллектор-дренаж ва суғориш тармоқларини тозалашни ва таъмирлашни, насос станциялари ва гидротехника иншоотларини таъмирлашни тугалласин.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги гўзани жойлаштиришнинг тасдиқланган схемасига мувофиқ жорий йилнинг 1 мартгача юқори классли уруглик чигит тайёрлаб қўйилишини ва уларнинг ўз вақтида сифатли дориланишини таъминласинлар.

21. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир У. Султонов зиммасига юклансин.

Ушбу қарорнинг бажарилиши йилнинг ҳар чорагида ҳамда 2003 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

# ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН: ДЛЯ ВСЕХ И КАЖДОГО

## ЕТТИ РАҚАМЛИ АЛОҚА

Жиззах шаҳрида телефон алоқа тармоғи етти рақамли тизимга ўтказилди. Шаҳар телефон тармоғи Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонаси тасарруфига ўтгач, алоқа сифати анча яхшиланди. Шу йилнинг 15 февралидан эса тармоққа етти рақамли янги технология жорий этилди.



Хитой технологияси асосида ишлайдиган бу тизим ҳо-

зирча фақат Жиззахда ишга туширилди. Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонаси Жиззах шаҳар бўлими директори Баҳодир Эргашевнинг ЎзА мухбирига маълум қилишича, янги тизим ҳар томонлама қулай ва ишончли бўлиб, олдингисидан бир мунча арзонлиги билан ҳам фарқ қилади.

**Т. БЕКНАЗАРОВ,**  
ЎзА мухбири.

## ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...



33 сантиметрли ушбу соқол Вашингтон шаҳридаги Смитсон институтига етказиб, унинг топширилган.

**ЭНГ УЗУН МУЙЛОВ** соҳиби Шведиянинг Малме шаҳри вакили Биргер Пеллассдир. Унинг муйловининг узунлиги 290 сантиметрга етган. Узининг айтишича, у 1973 йилдан бошлаб муйловига устара теккизмаган.

**ЭНГ НУҒОН БЕЛ** 302 сантиметрга тенг бўлиб, у Уолтер Хадсонга тегишли. Бу даражага у 545 килограммга семирган пайтида етган.

**ЭНГ ХИПЧА БЕЛ** соҳиблари сифатида Франциялик Полэр хоним (асл исми Эмил Мари Бушан) ҳамда Буюк британиялик Этел Грейнджер (Питерборо шаҳри) рўйхатга олинган. Кинно актрисаси бўлган Полэр хоним белининг ўлчами 33 сантиметр бўлган. Этел Грейнджер эса 10 йил давомида белини 56 сантиметрдан 33 сантиметрга «кишчалаштириш»га эришган.

**ЭНГ БАҲАЯБАТ ТОВОН** соҳиби покстонлик Муҳаммад Аълам Чанна ҳисобланади. Унинг ҳар бир товонининг узунлиги тахминан 60 сантиметрлар атрефида бўлиб, у 86-чи ўлчамли пой-афзал кияди.

**ЭНГ УЗУН СОЧ.** Одамзотнинг сочи ойига ўртача 1.27 сантиметр ўсади, қайчи теккизмаса, одатда узунлиги 61—91 сантиметргача етиши мумкин. Аммо бу асло чегара эмас. Маълумотларга кўра, ҳиндистонлик Мата Жохдомба исми йонинг сочи 74 ёшида узунлиги 6.4 метрга тенг бўлган. АҚШнинг Вустер шаҳрилик Диана Уитнинг сочи эса 3 метру 15 сантиметрга етган. Бунга эришмоқ учун у 17 йил сочига қайчи теккизмай, ювиб-тараб ўстиришига тўғри келган.

**ЭНГ УЗУН СОҚОЛ** соҳиби Ганс Лангсет ҳисобланади. У АҚШнинг Айова штатидаги Кенсетт шаҳрида яшаган. У оламдан ўтгандан сўнг кўмиш олдида унинг соқолини ўлчаб, қирқиб олишган. Узунлиги 5 метру

## «Бухоромебель»нинг спорт анжомлари

«Бухоромебель» ҳиссадорлик жамиятида болалар учун янги турдаги спорт буюмлари тайёрланмоқда. Айни пайтда икки хилдаги теннис столи, баскетбол дарвозаси, гимнастика ўриндиги, нарвони каби қарийб 10 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Мебелсозлар маҳсулотларини Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Бухоро вилояти бўлими-

нинг ҳомийлик Кенгашини йиғилишида намойиш этди. Шаҳар ва туманлардан келган спорт мураббийлари, ҳомий ташкилотлар вакилларига спорт анжомларининг сифати ва нархи маълум бўлди. Улар «Бухоромебель»га спорт анжомлари учун ната миқдорда буюртмалар берди.

**Илҳом САФАР,**  
ЎзА мухбири.



## ПОЛИПРОПЛИН ХАЛТАСИ К Е Р А К М И ?

Конимех тумани марказида полипроплен халтаси ишлаб чиқарилган завод қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Уни «Конимехобод» масъулияти чекланган жамияти бунёд этилган. Корхонага Хитойнинг «Ван фенг» заводи технологияси ўрнатилган.

Корхона қурилиш учун «Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки»нинг Навоий вилоят бўлими 600 миллион сўмлик кредит ажратди. Қурилиш лойиҳасини Навоий шаҳар лойиҳалаш бюроси тайёрлади. — Завод тўлиқ ишга тушгач, — дейди вилоят «Мат-

луботсавдо» ҳиссадорлик уюшмаси раиси Муродхон Эгамқулов, — йилга 12 миллион дондан ортиқ полипроплен халтаси ишлаб чиқарилади. Бу эса «Навоийазот», «Навоий дон маҳсулот», «Қизилқумцемент» корхоналари эҳтиёжини қоплаш билан бирга, истеъмол бозорини ҳам таъминлайди. Шунингдек, юздан зиёд конимехлик йиғит-қиз иш билан таъминланади.

Янги завод Наврўз байрам арафасида ишга туширилади.

**Еркул УМАР,**  
ЎзА мухбири.

## Маслаҳатлар

Қаламбирмунчоқ меъда ва жигар фаолиятини кучайтиради. Қусиш ва кўнгил айнишига даводир. Оғиз ҳидини ёқимли қилади.

Иситмалаган киши аорни овқатдан кейин сўриши фойдали.

Ровоҳ илдизи овқат ҳазмининг бузилишидан бўлган ич кетишда, ичак, буйрак, қовуқ, бачадон оғриқлари ва қон кетишида фойдалидир.

Укроп сувига ўтирилса, ичак оғриғига фойда қилади. Укропни холвайтарга қўшиб ичилса, сутни кўпайтиради.

Ачиқ бодом дарахтининг илдизини майда туйиб, сиока ёни гул ёғи билан қўшиб пешонага қўйилса, бош оғриғига фойда қилади.

Ялғиз арпа уруги билан қўшиб, бош оғриғига қарши пешонага боғланади.

Ачиқ бодом сепкил, нуқтали қонталаш излар ва офтобдан қорайишга қарши қўлланилади. У юздаги ажинни ҳам ёзади.

Қайнатилган қатик сафро ва қон аралаш ич кетиши тўхтатади. Эчки сутни қовуқдаги яраларга фойда қилади.

## Фарғонанинг «Фар-из»и

Фарғона туманининг Тожиқон Шодиева номдаги ширкат хўжалигида ташкил этилган «Фар-из» Ўзбекистон—Исроил қўшма корхонаси маҳсулот чиқара бошлади.

Чанқовбости ва спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонага 500 минг АҚШ доллари миқдорда сармоя жалб этилди. Италия ва Россиядан келтирилган технология

бир соатда уч минг шишагача уч турдан ортиқ ичимликни қуйиш имконига эга.

Корхонада эллик киши меҳнат қилмоқда.

Айни кунда қўшма корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ва имкониятларини ошириш борасида амалий ишлар қилинган. Яқин кунларда бу ерда мева шарбатлари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади.

**Р. КАМОЛОВ,**  
ЎзА мухбири.

## ҚАРОР ВА ИЖРО

## Халқимгани, ҳалқумга

### ҚАЮМОВ НЕГА ҚАМАЛДИ?

Тошкент тумани ҳокимининг ўринбосари, баҳолаш комиссияси раиси С. Қаюмов ҳамда «Тошкент» ҳиссадорлик жамиятининг бир неча мансабдор шахслари устидан жиноий иш қўзғатилди.

Улар давлат ҳисобига мусодара қилиш ва баҳолаш юзасидан чиқарилган суд қарорлари ижросига бенисанлик билан қараганликда айбланмоқда. Уш хизмат вазифини устидан қилган комиссия раиси С. Қаюмов 73 миллион 538 минг сўмлик товарни хатга олиб, баҳосини чиқармаган. Натижада улар «Тошкент» ҳиссадорлик жамияти омиборида чанг босиб ётаверган, кўпларининг сифати бузилган. Аслида бундай товарлар узоғи билан тўқсон кун ичида хатланиши ва баҳолашиб, соғувага чиқарилиши лозим.

Хатланган ва баҳоланган товарлар эса кимнингдир фойдасига «оғиб кетган». Давлат ҳисобига мусодара қилинган товарларни сақлаш ҳам деярли ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Текширув чоғида, «Тошкент» ҳиссадорлик жамиятининг омибор мудири Э. Эгамбердиев жавобгарлигидаги товарлардан 6 миллион 885 минг сўмлик намомад, шунингдек, 6 миллион 37 минг сўмлик ортиқча товар ҳам чиқиб қолди.

Вилоят прокуратураси қўяётган айбловлар фақат шулардан иборат эмас. «Тошкент»дан ўтган уч йил давомида 63 миллион сўмлик товар фактурасиз чиқариб юборилган.

Шунақа! Кимлар халқим, деб куюнса, кимдир ҳалқум, деб суюнади.

**Н. ДУШАЕВ,**  
ЎзА мухбири.

## ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ

### ТАБРИҚНОМА

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Азизбек НОРҚУЛОВга

Азизбек ака!

Сизни таваллуд кунингиз билан чин қалбимдан табриқлайман. Масъулияти аммо, шарафли хизматингизда омадлар тилайман. Бахтимизга доимо соғ-омон бўлинг, деб укалғиз ЖАВЛОНБЕК.

### КУПЛЮ

